

## ЛИНГВОДИДАКТИКА ВА МЕТОДИКА

### ТАЪЛИМ ТИЛНИНГ НАЗАРИЙ ТАЪРИФИ

УЎК (УДК, UDC): 811.111.1:87'9 (575.1)  
DOI: 10.36078/1581921207

### ИНГЛИЗ ТИЛИНИ ЎРГАТИШ МАЗМУНИДА ЛИНГВОМАМЛАКАТШУНОСЛИКНИНГ РОЛИ



**Феруза Хўжамкуловна АТАБЕКОВА**  
Ўқитувчи  
Жиззах Политехника институти  
Жиззах, Ўзбекистон  
[atabtekova.feruza@mail.ru](mailto:atabtekova.feruza@mail.ru)

#### Аннотация

Сўнги ўн йиллар мобайнида лингвомамлакатшунослик ёндашув негизида инглиз тили амалий машғулотларини ташкиллаштириш орқали нофилологик йўналишда таҳсил олувчи олий ўқув юртлари талабаларининг маданиятлараро саводхонлигини шакллантиришига асосий эътибор қаратилди. Талабаларда инглиззабон халқининг тарихи, географияси, турмуш тарзи ҳақидаги билим савиясини ошириш ва кенг тарқалган тил реалаялар билан таништиришда лингвомамлакатшунослик фанининг роли, реалаяларни лингвистик ва ижтимоий-маданий аспектларда тадқиқ этиш, диахрон ва синхрон ёндашувларга таянган ҳолда мавжуд реалаяларни ўрганиш тадқиқотнинг долзарблигини белгилайди. Талабаларда инглиз маданиятига бўлган қизиқиш, ҳурмат, инглиз тилини ўрганишга бўлган мотивация ва шу аснода уларда ўзга халқ маданиятни ўз маданияти билан қиёслаш малакаси шаклланиб бориш жараёни ўрганилди. Мавжуд муаммоларни ҳал этишга қаратилган қадамлар қуйидагилардан иборат: 1) амалий машғулотлар учун аутентик матнлар танланади; 2) мазмунан тўлиқ реалаяларга бой микроматнлардан фойдаланиш тавсия этилади; 3) муаммоларнинг долзарблиги, замонавийлигига мос аудиоматнлар ва видеотасвирлардан фойдаланилди. Тадқиқот натижаларига кўра, амалий машғулотларда лингвомамлакатшунослик ёндашувдан фойдаланиш талабаларда инглиз тилини ўрганишга бўлган мотивацияни таъминлайди ва қуйидаги икки жиҳатни ўз ичига олади: 1) тилни ўргатиш; 2) тили ўрганилаётган мамлакат ҳақида кўпроқ маълумотга эга бўладилар. Хулоса қилиб айтганда, мазкур фанининг назарий жиҳати бир томондан тилни ўргатишдаги бир йўналиш деб эътироф этилади, иккинчи яна бир муҳим жиҳати тили ўрганилаётган мамлакат ҳақидаги маълумотларни тақдим этишдан иборат бўлди.

**Калит сўзлар:** маданиятлараро саводхонлик; мотивация; тил реалиялари; маданиятлараро мулоқат; киёслаш малакасини шакллантириш.

## РОЛЬ ЛИНГВОСТРАНОВЕДЧЕСКОГО ПОДХОДА В СОДЕРЖАНИИ ОБУЧЕНИЯ АНГЛИЙСКОМУ ЯЗЫКУ

**Феруза Худжамкуловна АТАБЕКОВА**  
Преподаватель  
Джизакский Политехнический Институт  
Джизак, Узбекистан  
[atabekova.feruza@mail.ru](mailto:atabekova.feruza@mail.ru)

### Аннотация

В ближайшие десятилетия намечается опора на лингвострановедческий подход на практических занятиях по английскому языку, что может способствовать формированию межкультурной грамотности и расширению кругозора студентов неязыковых вузов. Роль лингвострановедческого подхода состоит также в расширении знаний студентов по истории, географии и другим аспектам образа жизни народа-носителя языка, знакомстве их с наиболее распространенными реалиями, изучение реалий в аспектах лингвистического и социокультурного подходов, диахронного и синхронного изучения вопроса, что составляет сущность и актуальность данного исследования.

В статье поставлена проблема способствовать развитию мотивации у студентов к изучению английского языка и уважения к культуре английского народа, формированию умения сопоставлять иноязычную культуру с родной.

Указанная проблема может быть решена такими способами: 1) отбор аутентичных текстов для использования на занятиях по английскому языку; 2) рекомендуются микротексты, насыщенные языковыми реалиями, для использования на занятиях; 3) также рекомендуются аудио- и видеоматериалы с учётом культурно-страноведческой насыщенности.

Использование лингвострановедческого подхода на занятиях по английскому языку может служить опорой для поддержания мотивации студентов и включает в себя два аспекта: 1) обучение языку; 2) сообщение о стране.

Автор делает вывод о том, что теоретическая сторона данного предмета выявляет тенденции обучения иностранному языку и она предоставляет ценную информацию о стране изучаемого языка.

**Ключевые слова:** подход; межкультурная осведомленность; навыки межкультурного сравнения; реалии; межкультурная коммуникация.

## THE ROLE OF LINGUOCOUNTRY STUDIES APPROACH IN THE CONTENT OF TEACHING ENGLISH

**Feruza Khujamqulovna Atabekovna**  
Teacher  
Djizzak Polytechnical Institute  
Jizzakh, Uzbekistan

### Abstract

During the last ten years much attention is given to organize practical lessons on the basis of linguocountry studies approach for developing students' cross — cultural awareness. It is determined that the main role of this subject in the introduction to the history and geography of the English people for widening students' knowledge, including wide-spread realia, linguistic, sociocultural aspects, diachronic and synchronic approaches are considered as the actuality of the investigation.

The investigated problem is considered: students' interests, respect for English language and culture, developing motivation for learning English, studying the process of formation cross-cultural comparison skill.

The steps taken in solving essential problems: 1) selection of authentic texts for practical lessons corresponding to certain themes; 2) use of micro-texts covering wide range of specific features including linguocultural approach too; 3) taking into consideration up-to-dateness of the fixed problems one can be proposed to use audio-texts and video-films at practical training.

According to achieved results one can say that the application of linguocountry studies approach in teaching English keeps up students' motivation for learning English and it also includes two properties: 1) teaching language; 2) increasing the efficiency of getting information about the country.

It is concluded that on the one hand, the theoretical side of this subject underlines the tendencies of teaching a foreign language, but on the other hand it presents valuable information about language learning country.

**Keywords:** approach; cross-cultural awareness; cross-cultural comparison skill; realia; cross-cultural communication.

**Кириш.** Тилшуносликда тилнинг луғавий бойлигини маълум бир тизим сифатида ўрганиш ва илмий жиҳатдан таснифлаш усуллари мавжуд. Тил лексикасининг фаол қўлланиладиган ва айнан миллий хусусият (колорит)га бўлган гуруҳини тасаввур этиш, аниқлаш, таснифлашга доир муаммолни ҳал этиш муҳим аҳамият касб этади. Сўзларнинг мазкур гуруҳи дунё тилларининг луғавий бойлиги сифатида мавжуд ва миллийликка хос маъно англатувчи жиҳатлари билан фарқланади. Ўзига хослик (оригиналлик) касб этувчи сўзлар гуруҳи хусусан инглиз тилида ҳам махсус луғавий таркиб сўзлари мақомида лингвомамлакатшунослик (тили ўрганилаётган мамлакат) лексикаси саналади ва улар асосан тилдаги реалаяларга хос тушунчаларни ифодалайди. Шунингдек, мазкур соҳа луғавий бирликлари таркибидан ономастик лексика (топонимлар ва антропонимлар), фразеологизмлар ва идиомалар ҳам жой олган.

**Асосий қисм.** Тил реалаяларига тушунчаларни ифодаловчи ушбу соҳа луғавий бирликларининг лингвистик ва ижтимоий маданий аспектларда тадқиқ этиш орқали тил реалаялари семантикасидаги миллийликка хос

белгилар (референтлар) аниқланади ва шу аснода “ўзники” ва “ўзганики (бегона)” деган тушунчалар намоён бўлади. Масалан, инглиз маданиятига хос тушунчани тил бирликлари воситасида ўзбек ўқувчисининг тасаввурида пайдо бўлишида идрок этилаётган тушунчага нисбатан (*cross-culture comparison*) қиёслаш жараёни содир бўлади ва пировардида ўзга тилдаги тушунчага оид умумий (*универсал*) ва ўзига хос (*уникал*), яъни фарқли бўлган хусусиятлар таснифи рўй беради. Бу жараён В. Г. Костомаров томонидан янада чуқурроқ таҳлил этилиб ва унинг фикрича, лингвомамлакатшуносликнинг предмети миллий менталитетни тил ҳодисаларида қай тарзда акс этишини ўрганишдан иборат (3). Бутун бир яхлитликдаги тил тизими, тил ва нутқ меъёрлари тилнинг миллий маданий хусусиятларини акс эттиради. Бу эса *тилнинг кумулятив функцияси* орқали рўйёбга чиқади. Тилнинг кумулятив функцияси деганда, тил вазифасига кўра халқ маданияти хазинасини ифодаловчи восита ва шунга кўра тил авлодлар ўртасидаги муносабатларни боғловчи халқ сифатида ҳамда улар қолдирган бой таржибаларни сақлаш ва кейинги авлодларга етказишдан асосий омил ҳисобланиб унинг кўмагида нафақат ҳозирги давр маданияти акс эттириш, балким маданиятнинг ўзоқ ўтмишидаги ҳолатини ҳам белгилаш мумкин. Кумулятив функция тил бирликларининг барчасига хос бўлсада, лекин лексика соҳасида янада яққолроқ намоён бўлади ва бу кўпинча фразеологизм лар ҳамда афоризмларни қўлланилишида кузатилади. Модомики, тил лексик бирликлари воситасида турли маданиятларга хос тушунчалар мажмуини тил орқали англаб олар эканмиз, тилнинг кумулятив функциясини янада чуқурроқ тасаввур этиш имконига эга бўламиз. Бу ҳақда тилшунос олимларнинг мазкур мавзуга доир баъзи фикр-мулоҳазаларини таъкидлаб ўтмоқчимиз. Жумладан, А. А. Уфимцеванинг фикрига кўра лексика моддий борликдаги нарса ва ҳодисалар ҳамда жамият тарихи билан узвий муносабатда бўлиб, нафақат тилнинг мулоқот талабалари учун хизмат қилади, балким амалда оттирилган билим тажрибасини авлоддан-авлодга етказишнинг ўзига хос кўриниши бўлиб, энг муҳими ва аҳамиятли жиҳати моддий борлиқ категориялари ва ижтимоий омиллар билан ўзаро муштаракликда мавжуддир (6). Шунингдек, Г. Д. Томахиннинг таъкидлашича, тилнинг номинатив (атов) бирликларининг семантик структурасида муайян тил жамоаси ижтимоий қарашларидаги миллий маданиятни ифодаловчи воқелик намоён бўлади. Сўзнинг ушбу маънони англатувчи қисми эса мамлакатнинг тарихи, географияси, анъана-

лари, халқ оғзаки ижоди (фольклор)га, яъни бошқачароқ қилиб айтганда, халқ маданиятига тегишли миллий-маданий компоненти бўлиб маданиятнинг ажралмас қисми сифатида маълум чегара доирасида, маданият ва тил муштараклигида мамлакатшуносликнинг маданий компоненти ҳисобланади (5). Демак, маълум бир халқ маданиятга хос компонентга эга бўлган тилнинг атов бирликлари таркибан миллий-маданий компонентли лексика деб эътироф этилади. Шунга кўра, мамлакатшуносликнинг таркибан миллий — маданий компонентли лексикаси деганда семантикасида маданиятга хос ажралиб турувчи белгилар (референтлар)ни ифодаловчи луғавий бирликлар мажмуаси назарда тутилади. Шундай қилиб, миллий-маданий хусусиятни ўзида аник ифода эта оладиган махсус луғавий таркиб бирликлари қатори куйидагича белгиланади:

- *реалиялар* — фақат бир маданиятга хос бўлган ва ўзга маданиятда учрамайдиган нарсалар ёки ҳодисаларнинг номларини атовчи сўзлар;
- *коннотатив лексика* — асосий маъно жиҳатлари мос келувчи, бироқ маданий-тарихий тасаввурда фарқланувчи сўзлар;
- *миллийликка хос лексика* — қиёсланаётган маданиятга ўз аналогларига эга бўлган нарса ва предметларни англатувчи, бироқ функциясига, шаклига ва нарса (предмет)ларни бирор мақсадни мўжаллаб атаб кўйишда фарқланувчи сўзлар.

Даставвал реалияларни ўрганиш ҳақидаги тилшуносларнинг фикрларига батафсилроқ тўхталиб ўтмоқчимиз. Жумладан, М. Л. Вайсбурд куйидагиларни реалиялар таснифига киритиш мумкин деган фикрни билдиради: мамлакатнинг ижтимоий ва маданий ҳаётидаги воқеалар, жамоат ташкилотлари ва муассасалар, жуғрофий масканлар, санъат асарлари, адабиёт, тарихий шахслар, жамоат арбоблари, олимлар, ёзувчилар, санъаткорлар, таниқли спортчилар, бадий асар қаҳрамонлари, табиат ҳодисалари, қабиларнинг номлари, ҳамда тасниф доирасидан ташқари кўпгина бошқа-бошқа воқеалар ва ҳодисалар номларидан иборат, (2). Кўриниб турибдики, реалияларга хос тушунчаларни англатувчи луғавий бирликлар ижтимоий-маданий турмушнинг барча жабҳаларини қамраб олган. Реалиялар тилдаги бошқа сўзлар билан қиёслганда, бир томондан, унинг предметга хос мазмун жиҳати ҳамда улар англатган предмет, тушунча ва ҳодисаларнинг мамлакат ҳамда халқ ҳаёти билан узвий алоқадорлиги боис фарқ қилса, бошқа томондан эса, тарихан муайян бир даврнинг алоҳида бир бўлаги сифатида намоён

бўлиши билан ажралиб туради. Шунга кўра, реалия — бу ўзига хос миллий колорит(бўёк)дир. Колорит деганда муайян даврда, шахсга оид ёхуд бирор нарсанинг ўзига хос белги ва хусусиятлари мажмуи тушунилади. Айнан колорит орқали миллий бўёкка эга бўлган реалия ҳосил қилинади. Колорит — бу сўзнинг алоҳида бўёғи бўлиб, унга хос референт воситасида англашилган предмет маълум бир ҳалққа, аниқ бир мамлакатга, ҳудудга ёки муайян тарихий даврга тааллуқли эканлиги билан кўзга ташланади. Бу ҳақда тилшунос олим Ш.С.Сафаров қуйидаги фикрни билдиради: “Воқеликни идрок этиш ва уни билишнинг миллий-маданий хусусиятлари муаммоси аслида тадқиқотчиларни узоқ йиллардан бери қизиқтириб келмоқда. Ушбу муаммо ҳақида билдирилган фикрлар ҳар хил, баъзан эса зиддиятлидир. Уларнинг айримларида ҳатто турли халқларнинг борлиқни идрок этиш бир-бирига батамом мос келмаслигини таъкидлашга ҳаракат қилинади. Барча халқлар ягона воқеликни турлича тасаввур қилишади. Инсон фаолияти маълум миллий маданият ва ижтимоий муҳит доирасида кечади. Шу сабабли ҳар қандай турдаги билим жараёнига оид структуралар, тузилмаларда миллий колорит бўлиши табиийдир (4)”.

Шунингдек, О. И. Ястребова реалиялар энг кўп ва тўлиқ маълумот берувчи манба эканлигини ҳақида ва уларни билиш орқали мамлакатнинг ҳозирги аҳволи ҳамда турмуш тарзи ҳақида янада кўпроқ тасаввурга эга бўлиши мумкинлигини таъкидлайди (7). Р. М. Боданкина ўзининг реалияларни ўрган- ишга доир тадқиқотларида аутентик матнларни чуқур ва тўлиқ тушунмаслик- даги ҳолатлар асосан реалияларга хос билимларни етишмаслиги оқибатида вужудга келишини ва шу сабаб ҳам талабаларнинг бу каби матнларни ўқиб тушунишдаги хатолар миқдори тобора ошиб бораверади деган фикрни билдиради (1). Юқорида зикр этилган фикрларга кўра тиллар ва маданиятлар ўзаро қиёсланганда реалияларга бўлган нисбатни қуйидагича белгилаш мумкин:

— Реалияларни фақат бир тил жамоасига хослиги, бошқасида эса мавжуд бўлмаслик ҳолати: *drugstore n a store where medical prescriptions are filled and drugs and medicals are sold; most now also sell a wide variety of merchandise (Webster’s New World Dictionary 1989.-418p.)*. Кўриниб турибдики, *drugstore*- дорихона (аптека) америкаликлар маданиятида нафақат доридармонлар сотиладиган жой, балким турли товарларни олди-сотдиси билан шуғулланувчи савдо шахобчаси ҳам ҳисобланади, бироқ бу ўзбек маданиятига



хос эмас. Чунончи, ўзбек маданиятига хос *ҳашар* инглизлар ёхуд америкаликлар учун мутлақо ёт тушунча. *Ҳашар* орқали ўзбек халқининг миллий анъаналари кўз олдимизда гавдаланади ва қуйидагича изоҳланади: *ҳашар* — бирор ишни бажаришда кўпчиликнинг ихтиёрий беғараз иштироки, ихтиёрий кўмаги. Халқ тамойилига кўра, чойхоналар *ҳашар* йўли билан курилади. Ў.Хошимов, Қалбингга кулоқ сол (8, 517).

— Реалиялар ҳар икки тилда мавжуд бўлиб, лекин улардан бири кўшимча маъно англатиши билан ажралиб туради: *cloverleaf* — *беда япроги* (*барги*) америкаликлар маданиятида автомобиль йўлларининг кесишувида ҳосил бўлган *беда япроги* кўринишидаги чорраҳа. Ушбу луғавий бирликнинг кўшимча маъноси изоҳли луғатда қуйидагича тавсифланади: *an interchange which, by means of an overpass with curving ramps that from the outline of a four-leaf clover and other connecting roads, permits traffic to move or turn in any or four directions with little interference-adj.in the shape or pattern of a leaf clover* (9, 285). Юқорида таъкидлаб ўтилганидек, халқнинг турмуш тарзи, ижтимоий муҳит, анъаналар ва урф-одатлар, маънавий-маърифий ва диний қарашларга оид тушунчалар тил лексикасида ўз ифодасини топади. Бу эса инсонларнинг дунё ҳақидаги ўзига хос тасаввурлари инъикосидир. Бу жараён турли тилларда қай йўсинда воқе бўлиши дунёни миллий кўз билан идрок этиш тажрибасидан келиб чиқади. Бу ҳақда немис тилшунос олими Вильгельм фон Гумбольдтнинг “Тилларнинг турли-туманлигилиги фақат товушларнинг турличалиги эмас, балки ҳар бир миллатдаги дунёни кўришнинг ўзига хослиги натижасидир” деган фикри нечоғлиқ ҳаққонийлигига яна бир бор амин бўламиз. Реалияларга хос тушунчаларни ифодаловчи тил воситаларини лингвистик нуқтаи назаридан тавсифлашдан асосий мақсад — реалияларни объектив борлиқдаги ўзга предметлар ва ҳодисалар деб қарамасдан, аксинча, объектив борлиқнинг референтлари ва ўзига хос қисмлари сифатида фикрлаш предмети билан тил иборасининг ўзаро муносабатда онгимизда акс этишини ўргатишдан иборат. Тил реалияларининг лексик-семантик хусусиятларини ўрганиш муҳим аҳамитга эга. Реалиялар лингвомамлакатшуносликда кенг истеъмолда бўлишига қарамай реалия тушунчасини ифодаловчи лексик birlikларнинг лингвистик ва ижтимоий-маданий тадқиқи ҳар томонлама баҳс-мунозарали мавзу ҳисобланади. Реалия тушунчасини маданиятнинг моддий ашёлари сифатида кенг тарқалишини фақат жуғрофий, маданий-генетик, бирор халқ маданиятига хослик ва миллийлик нуқтаи назаридан

чегараланган ҳолда таснифлаш орқали ўрганиш тўлиқ асосга эга эмас. Реалияларни маданиятнинг алоҳида ўзига хос қисми сифатида тарихан жамиятнинг иқтисодий негизда моддий ва маънавий бойликларнинг жамламланиши ҳамда миллий тил иштирокидаги маданий-генетик жиҳатидан муштараклик деб ҳисоблаш жоиз (3). Шубҳасиз, В. Г. Костомаров томонидан реалияларга берилган ушбу таъриф уларни таснифлаш ва чегаралашга масалаларига аниқлик киритишга хизмат қилади. Умуман олганда, объектив реалияларга хос лексиканинг лингвистик аспектда таҳлил этишда уларнинг семантик структурасидаги рефенетларни англаш ва фарқлашни тақозо этади. Масалан, ўзининг ягона (уникал) рефенетига кўра *Big Ben, cricket, golf* сўзлари инглиз маданиятига хос тушунчани англатади; *хонтахта, улоқ (кўпкари), кураш* кабилар эса ўзбек маданиятига оид тушунчани ифодаловчи сўзларнинг ягона рефенетлари ҳисобланади.

**Хулоса.** Нофилологик йўналишдаги талабаларга инглиз тилини ўргатишда лингвомамлакатшунослик аспектининг ўзига хос ўрни ва таълими жараёнига татбиқ этилишини айнан тил реалияларини ўргатиш муаммолари билан узвий боғлиқ равишда ёритиб беришни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз. Шунга кўра, тил реалияларини ифодаловчи лексик бирликларни лингвистик аспектда тадқиқ этишда уларни муайян давр нуқтаи назардан историзмлар ёхуд неолгизмлар сифатида ўрганиш, уларнинг семантик структурасидаги референтларга хос уникал ва универсал хусусиятларни реалия тушунчасига нисбатан аниқлаш ва фарқлаш, ясалиши турларини аниқлаш, адабий тилнинг алоҳида лексик-семантик гуруҳлари сифатида ўрганиш ва таснифлаш жоиз. Шунингдек, тил реалияларининг ономаσιологик жиҳатлари турли ижтимоий-маданий аспектларда “ўзники” ва “ўзганики” тушунчаларига нисбатан аниқланиши назарда тутилади. Тил реалиялари маданиятлараро мулоқат жараёнида миллий маданиятнинг ўзига хос компонентлари сифатида ўрганилади. Модомики, дунё ҳақидаги билимларни турли ижтимоий-маданий контекстларда айнан бир-бирига мос келмаслиги, касбий мулоқат доирасида нарсалар ва ҳодисаларни ўзига хос равишда тасаввур этилиши билан боғлиқ жараёнларнинг объектив ва субъектив омилларини қиёсий ўрганишни тақозо этади. Хуллас, тил реалияларини лингвистик ва ижтимоий-маданий контекстларда ўрганиш орқали ўзга тил соҳибалари нигоҳида мавжуд борлиқни такроран тасаввур этиш имконияти пайдо бўлади. Дарҳақиқат, тил реалияларини ифодаловчи лексик бирликларни



лингвомамлакатшунослик аспектидан келиб чиққан ҳолда талқин этар эканмиз, улардаги миллий-маданий семани аниқлашда анъанавий ва ижтимоий-тарихий ассоциацияларга таянишимизга тўғри келади. Мазкур ассоциациялар кўмагида айрим ёндош тушунчаларни билиш орқали миллий ўзига хослик, яъни “ўзлигини” англаш мумкин бўлади.

### Фойдаланилган адабиётлар

1. Боданкина Р. М. Обучение пониманию реалий при чтении экономической литературы на английском языке в техническом вузе: Автореф. дис. ... канд. юпед.наук. — М., 1984. — 16 с.
2. Вайсбурд М. Р. Реалии как элемент страноведение // Русский язык за рубежом. — 1972. — № 3. — С. 98–100.
3. Костомаров В. Г. Русский язык в современном диалоге культур // Русский язык за рубежом. — 1999. — № 4. — С. 77–85.
4. Сафаров Ш. С. Когнитив тилшунослик. — Жиззах: Сангзор, 2006. — 90 б.
5. Томахин Г. Д. Реалии в культуре и языке // Иностранные языки в школе. — 1981. — № 1. — С. 64–69.
6. Уфимцева А. А. К вопросу о лексике – семантической системе.// Вопросы языкознания. — 1962. — №4. — С. 34–36.
7. Ястребова О. И. Методика работы над лексикой, обозначающей советские реалии, в процессе чтения общественно- политической литературы: Автореф. дис. канд. пед. наук. — М., 1990. — 22 с.
8. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. — Тошкент: Давлат илмий нашрети, 2008. — 517 б.
9. Webster’s New World Dictionary. — New York: Wiley & Sons, Incorporated, John1989. — 418 p.

### REFERENCES

1. Bodankina R. M., *Obuchenie ponimaniyu realii pri chtenii ekonomicheskoi literatury na angliiskom yazyke v tekhnicheskom vuze* (Learning to understand the realities of reading economic literature in English at a technical University), Extended abstract of candidate’s thesis Moscow, 1984, 16 p.
2. Vaicburd M. R., *Russkii yazyk za rubezhom*, 1972, No. 3, pp. 98–100.
3. Kostomarov V. G., *Russkii yazyk za rubezhom*, 1999, No. 4, pp. 77–85.
4. Safarov Sh. S., *Kognitiv tilshunoslik* (Cognitive linguistics), Jizzakh: Sangzor, 2006, 90 p.
5. Tomakhin G. D., *Inostrannye yazyki v shkole*, 1981, No. 1, pp. 64–69.
6. Ufimtseva A. A., *Voprosy yazykoznaneya*, 1962, No. 4, pp. 34–36.
7. Yastrebova O. I., *Metodika raboty nad leksikoi, oboznachayushchei sovetskie realii, v protsesse chteniya obshchestvenno- politicheskoi literatury* (Methods of working on the vocabulary that denotes Soviet realities in the process of reading socio-political literature), Extended abstract of candidate’s thesis, Moscow, 1990, 22 p.
8. *Uzbek tilining izohli lugati* (Explanatory Dictionary of the Uzbek language), Tashkent: State Scientific Publishing House, 2008, 517 p.
9. *Webster’s New World Dictionary*, New York: Wiley & Sons, Incorporated, John1989, 418 p.